“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” фани бўйича амалий машғулот

1-амалий машғулот. Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича Давлат таълим стандартларини таҳлил қилиш.

2-амалий машғулот. Бакалавриат ва магистратура таълим йўналишлари бўйича ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Мутахассисликлари бўйича ўқув режаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш. Махсус фандан мавзунинг ва дарснинг тақвимий режасини тузиш.

Ишнинг мақсади: Магистрантларнинг ўз таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартларини, йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича малака талабларини, ўқув режалари ва ўқув жараёни жадвалларини ва уларни тўғри таҳлил қилишни ўрганиш.

Зарур материаллар:

- **Давлат Таълим Стандарти** (320000 – Ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси бўйича, 2015 й. тасдиқланган);
- **Малака Талаблари** (5320300 - Технологик машиналар ва жиҳозлар (целлюлоза-қоғоз), 5320300 - Технологик машиналар ва жиҳозлар (ёғочсозлик технологияси), 5320400 - Кимёвий технология (органик моддалар), 5320400 - Кимёвий технология (юқори молекулали бирикмалар), 5321300-Нефт ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси)
- **Ўқув режалари** ва **ўқув жараёни жадваллари** (2011 ва 2018 йиллар бўйича) (5320300 - Технологик машиналар ва жиҳозлар (целлюлоза-қоғоз), 5320300 - Технологик машиналар ва жиҳозлар (ёғочсозлик технологияси), 5320400 - Кимёвий технология (органик моддалар), 5320400 - Кимёвий технология (юқори молекулали бирикмалар), 5321300-Нефт ва нефт-газни қайта ишлаш технологияси)

Ишни бажариш тартиби:

Магистрантлар 2-4 тадан бўлиб кичик гуруҳларга бўлинишади ва ҳар бир кичик гуруҳ ўзига қуйида келтирилган топшириқлардан бирортасини танлаб олади ва топшириқни биргаликда бажаришади. Натижалар тегишли шакллар бўйича талабанинг амалий машғулот дафтарида расмийлаштирилади.

1. Давлат Таълим Стандарти бўйича:
   - Давлат Таълим Стандартини ўрганинг ва фикр билдиринг.
   - Давлат Таълим Стандартини ва малака талабларини Венн-диаграммаси воситасида таҳлил қилинг.
2. Малака талаблари бўйича:
   - Малака Талабларини ўрганинг ва у ҳақда ўз фикрингизни ифодаланг;
   - Малака Талабларини ўрганинг ва битирувчининг келгусидаги касбий фаолиятини ифодалаб беринг;

- Иккита турдош йўналишнинг Малака Талабларини Венн-диаграммаси воситасида таҳлил қилинг;

3. Ўқув режалари бўйича:
   - 2018 йилги иккита турдош ўқув режа бўйича 5-семестр учун потокнинг ҳафталик дарс жадвали тузинг;
   - 2011 ва 2018 йилларда тасдиқланган ўқув режаларини Т-жадвал воситасида қиёсланг ва хулоса ёзинг;
   - Малака талабини ва ўқув режасини Венн-диаграммаси воситасида қиёсланг;
   - 2018 йилда тасдиқланган ўқув режага кадрлар буюртмачиси нуқтаи назаридан таклиф беринг;
   - 2018 йилда тасдиқланган бакалавриат ва магистратура ўқув режаларини Венн-диаграммаси воситасида қиёсланг ва хулоса ёзинг;
4. Ўқув жараёни жадвали бўйича:
   - 2011 ва 2018 ўқув йилларида тасдиқланган ўқув жараёни жадвалларини Т-жадвал воситасида қиёсланг ва хулоса ёзинг;
   - Малака талабини ва ўқув жараёни жадвалини Венн-диаграммаси воситасида қиёсланг.

Кичик гуруҳдаги магистрантлар бажарган ишларини биргаликда тақдимот қилишади, тақдимот натижаси муҳокама қилинади ва баҳоланади (F2F).

Мустақил иш топшириқлари:

Амалий машғулотда иштирок эта олмаган магистрант қуйидаги топшириқлардан бирини якка тартибда бажаради ва амалий машғулот дафтарига бажарган иши бўйича ўз хулосасини ёзиб қўяди.

Кейин қолдирилган дарсни қайта ўзлаштириш учун бажарган ишини ўқитувчига тақдим этади.

1. 2011 ва 2018 ўқув ўқув йилларида тасдиқланган ўқув режаларини Т-жадвал воситасида қиёсланг. Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.
2. 2011 ва 2018 ўқув ўқув йилларида тасдиқланган ўқув жараёни жадвалларини Т-жадвал воситасида қиёсланг. Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.
3. Давлат Таълим Стандартини чуқур ўрганинг. Кейин у ҳақда ўз фикрингизни баён қилинг. Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.

4. Давлат Таълим Стандартини чуқур ўрганинг. Кейин бирор одам билан Давлат Таълим Стандарти ҳақида суҳбатлашинг (интервью олинг). Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.
5. Малака Талабини ўрганинг. Кейин у ҳақда ўз фикрингизни баён қилинг. Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.
6. Малака Талабини ўрганинг. Кейин бирор одам билан Малака Талаби ҳақида суҳбатлашинг (интервью олинг). Жараённи видео тасвирга олинг. Ушбу видео тасвирни баҳолаш учун мезонларни белгиланг ва бажарган ишингизни баҳоланг.
7. Интернетдан илғор хорижий давлатлар ОТМ ларининг ўқув режасини излаб топинг ва 2018 йилда тасдиқланган ўқув режа билан қиёсланг, ўқув режани такомиллаштириш бўйича таклиф беринг. Жараённи видео тасвирга олинг.

Магистрант бажарган ишини ўқитувчига тақдим этади ва унинг иши биргаликда муҳокама қилинади ва баҳоланади (F2F).